

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЛК МАТЕМАТИК
ТАСАВВУРЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ДОИР ИШ ТАЖРИБАСИДАН**

Махмудова Мавлуда Икром қизи

Миробод тумани 60-ДМТТ тарбиячиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7214623>

Мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим-тарбия жараёнини 80 фоизи ўйин ва 20 фоизи машғулотлар ташкил этади. Демак, мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларининг асосий фаолиятлари ўйиндан иборат.

Одатда, ўйинлар икки туркумга: ижодий ва қоидали ўйинларга ажратилади.

Қоидали ўйинлар катталар (педагоглар, услубчилар, махсус масъул кишилар) томонидан яратилиб тарбияланувчиларга тақдим этилади. Ижодий ўйинлар гуруҳини сюжетли-ролли ўйинлар ташкил этадилар. Тайёр мазмунли қоидали ўйинларнинг энг муҳим томони, улар ҳам дидактик ўйинлигидир. Бу ҳолда дидактик ўйинлар тарбияланувчиларга таълим ва тарбия беришда восита ролини ўйнай олади.

Компьютер ўйинлари компьютер техникасининг шаклланиши ва ривожланиши билан бир вақтда пайдо бўла бошлаган.


Ривожлантирувчи ўйинлар мантиқий фикрлаш, нутқни тўғри ифодалаш, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тасаввур этиш, қобилиятини ўстириш ва ҳоказолар билан характерланади. Қизиқтирувчи ўйинлар ҳам компьютерли ўйинлар туркумига кириб тарбияланувчиларни фаолликка ундайди, билимларни аҳамиятини англашга ёрдам беради, мустақил равишда хулоса қилишга ўргатади.

Компьютерли ривожлантирувчи ўйинларни ўзлари эса, дидактик ўйинлар туркумига кириб, мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш услубидир. Булар қаторига бошқотирма ўйинлари ҳам киради. Компьютерли ўйинлар болаларга психологик таъсир бергандагина, улар ривожлантириш характерига эга бўладилар. Ўз навбатида, компьютерли ривожлантирувчи ўйинлар, мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларининг мантиқий фикрлашларини, тафаккурларини, ақлий қобилиятларини, хотираларини, сезгирликларини тараққий қилдиришга йўналтирилган бўлади.

Компьютерли ривожлантирувчи ўйинлар ҳам хилма-хил бўлади, масалан, Лото ўйини (катакчаларни тўлдириш) “Ўйлаб топ”, “Кичик светофор-лабиринт” ўйини, “Шаклларни устма-уст қўйиш”, “Икки ҳалқа”, “Жадвални тўлдир” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлар ҳам - дидактик ўйинлар туркумига киради. Дидактик ўйин эса, муассаса тарбияланувчиларига таълим-тарбия бериш жараёнида қўлланиладиган услублардан бири ҳисобланади. Ўйин кичкинтойлар яхши ўзлаштирадиган фаолият ҳисобланади. Ўйин машғулотлар ва машқлар шаклида олиб борилади. Муассаса тарбиячилари компьютерли таълим ва ривожлантирувчи ўйинларни амалга ошириш бўйича қуйидагиларга эътибор беришлари лозим.

1. Бир марталик ўйин 15 дақиқадан ошмаслиги керак




2. Компьютерли ўйинларни бошқа турдаги ўйинлар билан алмаштириб бориш

“Шакллардан нарса яса!”

Мақсад: Болаларни илк математик тасвурларини кенгайтириш, шакл, катталиқ, нарсаларнинг фазовий жойлашуви ҳақидаги тушунчаларини мустахкамлаш. Хотира ва диққат жараёнларини ривожлантиришда ахборот коммуникациясидан фойдаланиш. Болаларни ақлий ва мантиқий машқлар орқали фаолаштириш.

Машғулотнинг бориши: Ҳозир барчамиз олдимиздаги оқ қоғозга доира, квадрат, учбурчак шакллари, елим ва чўплар ёрдамида машина шаклини ҳосил қиламиз.



Билимларни мустақкамлаш учун “Овални топ” ўйин. Болалар гуруҳ ичидаги нарсаларни кузатиб, овал шаклидаги нарсаларни топадилар ва номини айтадилар.

Болалар доира шаклида турадилар. Картондан қирқилган доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак ва овал шаклларида 8 таси аралаштириб давра ўртасига қўйилади. 4 та бола доира ичига чақирилиб, кўзлари рўмол билан боғланади. Болалар кўзлари боғлиқ ҳолатда шакллар ичидан овал шаклини топиб олишлари керак. Қайси бола кўпроқ овал шаклини тўпласа, унга юлдузча шаклидаги медальон берилади. Болалар навбат билан 4 тадан бўлиб алмашиб ўйинни давом эттирадилар.

Энди, болалар, тўғри тўртбурчакдан катта ва кичик овал кесамиз. Тайёрланган катта ва кичик оваллардан ҳоҳлаган нарсангизни тасвирланг! (айиқча, ўтирмас кўғирчоқ, шар..ва ҳаказо)

Тарбиячи: Болажонлар, мен сизга оқ ҳамда рангли қоғозлар, елим тайёрлаб қўйганман. Сиз улардан қуёнча шаклини ясайсиз (овал, доира ва учбурчак шакллари).

Аввал қоғознинг юқори қисмига доира шакли ёпиштирилади. Доира шаклининг пастига овал шакли ёпиштирилади. Доира шакли қуённинг бош қисми, овал шакли қуённинг гавда қисми. Энди қуённинг қулоқларини, оёқларини, қўлларини ёпиштирамиз. Мана қуёнимизни ҳам ясаб бўлдик. Энди ҳаммамиз ишимизни кўриб чиқамиз. Болалар қилган ишлари ҳақида гапириб берадилар.

Болалар, компьютер қаршисига келинг. Сизларга қизиқарли топшириқ айтаман. (экранда тасвирланган хонадаги нарсаларни геометрик шаклларда уларнинг 6 таси овал шаклда, гилам, стол, сурат рамкаси, соат, кўзгу, пардадаги гул) Болалар, суратдаги овал шаклидаги нарсалар номини айтинг. Яхшилаб эслаб қолинг. Энди иккинчи саҳифага ўтамиз (бу саҳифада 6та катта ичига иккида овал шаклидаги нарсачизилган, 4таси бўш. Болалардан хонадаги овал шаклида яна қайси нарсалар борлиги сўраб, уларни катта жойлаштириш топшириғи берилади) Машқ 2-3 марта такрорланади. Болалар рағбатлантирилиб борилади. “Олтин тухум” ўйини. Болалар овал бўлакларида ўзлари ҳоҳлаган нарсаларини ҳосил қиладилар. Сўнг ҳоҳлаган бола билан ўрнингизни алмаштириб олади. Ўзлари келган столдаги тасвирни гапириб беришади ва қайтадан овал ясашади. Яна компьютердаги овалларни жойлаштиринг. (гул, гиламча, шар...) Болалар сигнал бўйича доира, овал, квадрат ҳосил қилиб

тарқалиб юрадлар. Машғулот яқунланади.

Хулоса:

Мактабгача таълим ташкилотларда ахборот технологиядан жумладан, мультимедиали компьютер технологиясидан фойдаланиб машғулотларни самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини жадаллаштириш, болаларда компьютер саводхонлигини шакллантириш давр талабидир.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. А.А.Абдуқодиров, Н.Х.Бегматова. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти (тарбиячилар учун услубий қўлланма).- Қарши:” Насаф”, 2011. 205 бет.
2. Азизов А. Инновацион менежмент – стратегик режалаштириш йўналишларидан бири. // ж. Жамият ва бошқарув. – Т., 2001. - №4. – Б.40-42.
- 3.Азизов А. Тараққиёт калити: Инновацион жараён, унинг ўрганилиш ва аҳамияти. // ж. Жамият ва бошқарув. – Т., 2002. - №1. – Б.48-49.